

423 - وَعَنْ أَبِي ذَرِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «يَقُولُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ: مَنْ جَاءَ بِالْحَسَنَةِ، فَلَهُ عَشْرُ أَمْثَالِهَا أَوْ أَزِيدُ، وَمَنْ جَاءَ بِالسَّيِّئَةِ، فَجَزَاءُ سَيِّئَةٍ مِثْلُهَا أَوْ أَغْفِرُ، وَمَنْ تَقَرَّبَ مِنِّي شِبْرًا، تَقَرَّبْتُ مِنْهُ ذِرَاعًا، وَمَنْ تَقَرَّبَ مِنِّي ذِرَاعًا، تَقَرَّبْتُ مِنْهُ بَاعًا، وَمَنْ أَتَانِي يَمْشِي أَتَيْتُهُ هَرَوَلَةً، وَمَنْ لَقِينِي بِقُرَابِ الْأَرْضِ حَطِيئَةً لَا يُشْرِكُ بِي شَيْئًا، لَقِينتُهُ بِمِثْلِهَا مَغْفِرَةً» رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2687].

معنى الحديث: «مَنْ تَقَرَّبَ» إِلَى بَطَاعَتِي «تَقَرَّبْتُ» إِلَيْهِ بِرَحْمَتِي، وَإِنْ زَادَ زِدْتُ، «فَإِنْ أَتَانِي يَمْشِي» وَأَسْرَعَ فِي طَاعَتِي «أَتَيْتُهُ هَرَوَلَةً» أَي: صَبَّبُ عَلَيْهِ الرَّحْمَةَ، وَسَبَقْتُهُ بِهَا، وَلَمْ أُحَوِّجْهُ إِلَى الْمَشْيِ الْكَثِيرِ فِي الْوُصُولِ إِلَى الْمَقْصُودِ. وَ«قُرَابُ الْأَرْضِ» بِضَمِّ الْقَافِ وَيُقَالُ بِكَسْرِهَا، وَالضَّمُّ أَصْحَحُ، وَأَشْهَرُ، وَمَعْنَاهُ: مَا يُقَارِبُ مِلًّا هَا، وَاللَّهُ أَعْلَمُ.

423. Абу Зарр розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: «Аллоҳ аzza ва жалла айтади: «Ким бир яхшилик қилса, унга шунинг ўн мислича (ажр) берилади ва ундан ҳам кўпайтираман. Ким бир ёмонлик қилса, унинг жазоси ўшанинг мислича бўлади ёки кечириб юбораман. Ким Менга бир қарич яқинлашса, Мен унга бир зироъ яқинлашаман. Ким Менга бир зироъ яқинлашса, Мен унга бир қулоч яқинлашаман. Ким Менга юриб келса, Мен унга югуриб бораман. Ким Менга Ерни тўлдирган гуноҳ билан йўлиқса, лекин Менга ҳеч нарсани шерик қилмаган бўлса, Мен унга шунинг мислича мағфират билан пешвоз чиқаман».

Имом Муслим ривояти.

Бу ҳадиснинг маъноси қуйидагичадир: «Ким Мен томонга тоат билан яқинлашса, раҳматим билан унга яқинлашаман. У тоат-ибодатини зиёда қилса, Мен ҳам унга раҳматимни зиёда қиламан. Агар Менга юриб келса ва ибодатимга шошса, Мен унга югуриб бораман. Яъни, унга раҳматимни ёғдираман ва ундан ўзиб кетаман. Мақсадга етиш йўлида кўп юришга муҳтож қилмайман» Валлоҳу аълам!

Шарҳ: Бир яхшиликка ўн баробар савоб Ислондаги умумий қоидадир.

Ушбу ҳадиси қудсий Аллоҳ таолонинг бандаларга нисбатан лутфу марҳамати ва илтифотининг намойишидир. Ҳадиси шарифдаги яқинлашиш ва ҳаракатланиш маънолари мажозий бўлиб, масофани эмас, маънавий муносабатни, маънан яқин бўлишни билдиради.

Одамларга қилинадиган яхшиликнинг фазилатлари ҳақида Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан кўплаб ҳадислар ривоят қилинган.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қудсий ҳадисда бундай деганлар: Албатта, Аллоҳ таоло яхши ва ёмон амалларни ҳам ёзиб, уни қуйидагича баён этди: **«Ким бир яхшилик қилишга аҳд этсаю, аммо амалга ошира олмаса, Аллоҳ таоло унинг учун Ўз ҳузурда комил яхшилик қилди, деб ёзиб қўяди. Агар яхшилик қилишга қарор бериб, уни амалга оширса, унга Аллоҳ таоло Ўз ҳузурда ўн савобдан етти юз савобгача, ҳатто бундан бир неча баробар кўп савоб беради. Агар бирор ёмонлик қилишни ўйласаю, уни амалга оширмаса, Аллоҳ таоло унга бир яхшилик савобини беради. Ёмонлик қилишга қарор берсаю уни амалга оширса, Аллоҳ таоло унга битта ёмонлик ёзади»** (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Манба: hadis.islom.uz



